

Майитга уч нарса эргашади | Сийрат дарслари (278-дарс)



19:00 / 19 апрель 813

407. Умму Холид бинт Саъид ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабр азобидан паноҳ сўраётганларини эшитдим».

Бухорий ривоят қилган.

408. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» (ояти) қабр азоби ҳақида нозил бўлган. Шунда унга: «Роббинг ким?» дейилади. «Роббим – Аллоҳ, Пайғамбарим – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди. Мана шу Аллоҳ аzza ва жалланинг «Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» деган сўзидир».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

409. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Майитга уч нарса эргашади. Иккитаси қайтиб, биттаси у билан қолади. Унга аҳли, моли ва амали эргашади. Аҳли ва моли қайтади, амали қолади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

410. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Одам боласи вафот этса, унинг уч нарсадан бошқа амали кесилади: садақаи жория, унга дуо қиладиган солиҳ фарзанд ва ундан кейин манфаат олиниб туриладиган илм!»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.